Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 15 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 27 (7024)

Da'vat

Агар саньат бўлмаганида ҳаёт аччиқ ҳақиқатлари билан одамларни алдақачон куйдириб кул қилиб юборарди.

Фридрих НИЦШЕ

Ibrat

Ғаллаорол туманидаги Авлиё қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Оқ чашма» фермер хўжалиги жамоаси саховат қамарини боғлаб, шу қишлоқда жойлашган 33- ўрта мактабнинг аълочи ўқувчилари учун 500 сўмлик стипендия жорий этишди. Мазкур фермер хўжалиги раҳбари Бердиёр Қулжоновнинг таъкидлашича, бу ҳали хайрли ишларнинг бошланиши, холос.

O'zbekiston — Turkiya

ТИЛ БИРЛИГИ — ДИЛ БИРЛИГИ

Мамлакатимизнинг қардош Туркия давлати билан ҳамкорлиги Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йили 17-19 ноябрь кунлари Туркияга қилган расмий ташрифидан сўнг янги босқичга кўтарилган эди. Айтиш мумкинки, шу йил 13 апрель куни Туркия Бош вазири Месут Йилмазнинг Ўзбекистонга расмий ташриф буюриши икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига асос бўлди.

Икки қардош мамлакатнинг ҳамкорлик алоқаларини деярли барча соҳаларда кузатиш мумкин. Хусусан, таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамкорлик хусусида тўхталар эканмиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўзбек-турк лицейларини ва бу масканларда ёш авлодга сифатли таълим бериш борасида эришилаётган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Туркия Бош вазири Масут Йилмаз билан бўлиб ўтган яккама-якка мулоқоти чоғида ҳам, юртбошимиз Ўзбекистон — Туркия муносабатлари ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

— Туркия юртимиз мустақилликка эришганидан кейин бизни биринчи бўлиб эътироф этган, қўллаб-қувватлаган мамлакатдир, — деди мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов. — Ўзбекистонга кўрсатилган бундай самимият унутилмайди.

Ўзбекистон Ахборот агентлигининг хабар беришича, ташриф давомида Ислом Каримов ва Месут Йилмаз иштирокида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда икки давлат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш, хусусан, ўзаро савдосотиқ, транспорт коммуникациялари, сармоя жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий, илмий-маданий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлар, ҳар икки давлат иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар таҳлил қилинди. Ўзбекистон — Туркия муносабатлари иқтисодиёт соҳасида ҳам яхши ривож топаётгани қайд этилди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Президентининг Туркия Бош вазири билан музокаралари якунлари бўйича қўшма Баёнот имзоланди. Ҳужжатга Ислом Каримов ва Месут Йилмаз имзо чекдилар. Шунингдек, маросимда Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ҳукуматлари ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, маданий бойликлар контрабандасининг олдини олиш ва уларнинг қайтарилишини таъминлашда ўзаро кўмаклашиш тўғрисида битимлар ҳамда Ўзбекистон давлат божхона қўмитаси билан Туркия Бош вазири ҳузуридаги божхона котибияти ўртасида божхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмаз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Унда Ислом Каримов Туркия Бош вазири билан ўтказилган суҳбат сермазмун ва сермаҳсул бўлганини таъкидлади.

Тили бир, дини бир икки қардош халқнинг дили ҳам бир бўлиши шубҳасиз. Дили бир халқлар, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг эса илдизи теран, пойдевори мустаҳкам бўлади. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон — Туркия муносабатлари ҳам мана шундай мустаҳкам асосга қурилган ва у тобора юксалиб бораверишi, шубҳасиздир.

«Маърифат» шарҳловчиси

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги техник моделлаштириш маркази бу ерлик болаларнинг энг севимли масканига айланган. Бунинг боиси бор, албатта. Техникага қизиқмаган бола бўлмаса керак. Уларнинг бу қизиқишлари, ҳаваслари, шу билан бирга орзу-хаёллари мана шундай марказлару тўгаракларда юзага чиқади, уларнинг ўз қўллари билан ясаган ажойибу ғаройиб моделларда акс этади. Бу масканда тажрибали мураббий Валишер Маъдиевнинг ҳам ўз муносиб ўрни бор. Болалар бу устозлари раҳбарлигида ва кўмагида ясаётган турфа техник моделлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, улар ясаган экскаватор модели иқтидорли болаларнинг Республика VII слётида I даражали диплом билан тақдирланди.

СУРАТДА: Валишер Маъдиев ўз шогирдлари билан экскаватор моделини кўздан кечирмоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

БОЛАНГИЗГА ДАРСЛИК ОЛИБ БЕРДИНГИЗМИ?

Қаердан ва қандай қилиб, деган саволга газетамизнинг аввалги сонларидан бирида маълумот бергандик. Келгуси йилдан бошлаб ўқувчиларни дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилиши муносабати билан бу ишнинг асосий ташкилотчилари халқ таълими тизими ходимлари эканликларини ҳам ёзгандик.

Мазкур иш юзасидан Ўзбекистон халқ таълими вазирлигида ишчи гуруҳ тузилди. Унда тўпланган тажрибалар, таклиф-мулоҳазалар таҳлил этилди. Ишчи гуруҳ раҳбари, халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш учун барча йўллар ва воситалардан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Дарсликларни мактаб орқали тарғиб ва ташвиқ қилиш яхши натижа бериши ишчи гуруҳ йиғилишида айтилди. Дарҳақиқат, мактабда ўқиш яна бир ярим ой давом этади. Бу кунлардан унумли фойдаланиш лозим.

Айни давр мустақил юртимизда бозор муносабатларига ўтиш давридир. Қолаверса, мазкур йил — Оила йили деб эълон қилинди. Шу боис мактабларни оталиққа олган ташкилотлар, ота-оналар ишлайдиган корхона, фирмалар раҳбарлари саховатпешалик қилиб, ёрдамга эҳтиёжманд оилалар болаларини дарслик билан таъминлашга ёрдам берсалар, нафақат уларга, балки Ўзбекистоннинг равнақига хизмат қилган бўладилар.

Халқ таълими вазирлигида ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини дарсликлар билан таъминлаш хайрия ҳисоб рақами очилди «Таълим-таъминот» бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидовнинг ташаббуси билан бу ташкилот мазкур ҳисоб рақамига биринчи бўлиб бир миллион сўм миқдорида пул ўтказди.

Саховатпеша кишилар ёки ташкилотлар ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Маориф ҳар доим эътибор, ёрдамни талаб қилади ва у ўз ижобий натижаларини ҳам албатта беради. Ана шундай қалби дарё кишилар ва ташкилотлар саховатини «Маърифат» газетаси доим ёритиб боради.

P.S. Ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини дарсликлар билан таъминлаш хайрия ёрдами ҳисоб рақами: 20204000000101044001 ЖСБ Меҳнат бўлими. Банк коди 00423

- **«Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Бельгия қироллиги Бош вазири Жан Люк Дехане шу йил 17-18 апрель кунлари мамлакатимизда бўлади.**

- **Шу йил 15-19 апрель кунлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги битимга мувофиқ мамлакатимизда Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтади.**

JUMLADA JAHON

- **Россия Президенти Б. Ельцин томонидан Бош вазир лавозимига илгари сурилган Сергей Кириенко номзодини Россия Давлат Думаси ушбу масалага бағишланган ўз ялпи мажлисида тасдиқламади.**

- **25 йилдан буён давом этиб келаётган фуқаролар ва диндорлар ўртасидаги можароларни бартараф этишга қаратилган Шимолий Ирландияда тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги битим Буюк Британия ва Ирландия Бош вазирлари томонидан имзоланди.**

- **Мамлакат аҳолисининг истеъмолчилик эҳтиёжлари камайиб кетганлиги ҳамда ички маҳсулотнинг тобора камроқ сотиб олинаётганлиги боис юзага келган Японядаги иқтисодий турғунлик мутахассисларни жиддий хавотирга солмоқда.**

- **БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Ладхар Барахили Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун, аввало, бу мамлакатга четдан қурол-яроғ олиб киришни, сўнгра бу ишга Эрон ва Покистон давлатларини ҳам жалб этиш лозимлигини таъкидлаган.**

Malaka — muhim mezon

БУХОРОДА РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий «Дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш йўлида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, 1997 йил 18-19 декабрь кунлари «Республика халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш — янги босқичда» мавзусида А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1-республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтган эди. Унда тўрт гуруҳдаги шўъбада 47 та маъруза тингланди. Уларни ўзига жамлаган тезислар иккита тўплам шаклида нашр этилди.

1998 йил 16-17 апрель кунлари эса Бухоро шаҳрида «Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муаммолари»га бағишланган 2-республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтади. Унга республикадаги барча вилоят малака ошириш институтлари раҳбарияти ва мактаб, шаҳар, туман, вилоят халқ таълими жонкуярларининг, тажрибали, энг илғор мутахассислари ўз маърузалари билан қатнашадилар. Ялпи мажлисда 2 та шўъбадаги, жами 60 дан ортиқ илмий-амалий йўналишдаги маърузалар тингланади.

Республика малака ошириш тизимини яратиш йўлида қизғин баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтади ва унга 300 га яқин кишилар иштирок этиши мўлжалланган.

Б. ТУРДИЕВ, С. ФАЙЗИЕВА

Sinab ko'ring

ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ ВА ҚОБИЛИЯТИНИ АНИҚЛАШ

ёхуд бу ташҳиснинг педагог малакасини оширишдаги ва қайта тайёрлашдаги аҳамияти хусусида

Амалиётда ўқитувчи фаолиятини диагностикалаш деганда, фақат унинг мутахассислигидан тайёргарлик даражасини аниқлаш тушунилади. Бундай бир томонлама ёндашув педагог фаолиятининг бошқа қирра (компонент)ларини иккинчи даражалидай талқин этилишига сабаб бўлмоқда. Аслида эса фаолият самарадорлиги умумпедагогик маҳорат ва қобилият билан таъминланади.

Шу нуқтаи назардан эътиборингизга «Педагогик қобилиятлар ва уларнинг намоёнлик даражасини аниқлаш усули»ни ҳавола этамиз.

Методика матнида педагогик қобилият ва унинг компонентлари изоҳи берилган. Шулар ёрдамида ҳамкасбин-

(Давоми 3-бетда)

Aks sado

Мустақиллигимизнинг еттинчи йилига келиб, мактаб ўқувчиларининг фаоллиги у ёки бу соҳада ёрқин кўзга ташлана бошлади. Бу тасодифий воқеликми? Йўқ. Асло ундай эмас. Бу мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ илмга, илм аҳлига катта эътибор нишонаси. Мухбиримизнинг Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, ўринбосари ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбати ҳам Ўзбекистон телевидениесидаги кўрсатувларда ўқувчилар фаоллиги, мустақиллик тушунчаси, мулоҳаза юритиш санъати, телебаҳсларда ўғил-қизлар тил бийронлиги сабаблари, мустақил фикрлашга ўргатишда ўқитувчи ўрни каби мавзулар хусусида бўлди.

— Домла, ЎзТВ биринчи дастурида намойиш қилинаётган «Акс-садо» кўрсатувида ўқувчилар бевосита фаоллик кўрсата бошладилар. Сизнинг илк таассуротларингиз қандай кўрсатувни томоша қилганингизда хаёлингиздан нималар кечди?

— Менинг назаримда, сиз кўзда тутаётган кўрсатувнинг қамровини биргина «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанига тааллуқли бўлиб қолмай, анча кенг. Чунки кўрсатув мобайнида ўқувчиларнинг ҳуқуқ бўйича билганларигина эмас, балки ҳаётга нечоғлик тайёр эканликлари синовдан ўтди. Шу муносабат билан мен болаларимизга кўпроқ ва кенгроқ минбар бериш, уларнинг кўнглидагиларини, фикридагиларни эшитишга ўзимизни ҳам тайёрлаш нақадар зарур эканлигини чуқурроқ англадим. Биз катталар фарзандларимизга фақат ўргатишимизгина лозим деб қаттиқ янглишамиз. Ҳолбуки, бугуннинг вакиллари бўлмиш ёшлар ҳаётда бизга тушунтиришлари мумкин бўлган жиҳатлар анчагина. Назаримда, бу хилдаги ёшларнинг

ФИКРЛАШ — РУҲИЙ ЖАРАЁН

бўлди?

— Мен ҳамиша ҳам юртнинг мустақиллиги унда яшайдиган фуқароларнинг мустақиллигидан иборат бўлади деган қарашнинг тарафдориман. Шу боисдан ҳам телекўрсатувда болаларимизнинг чинакамига фаоллик кўрсатишларидан, ўз дунёқарашларини тап тортмай айта олганликларидан рости гап, жуда қувондим. Шахснинг мустақиллиги унинг фикридаги, қарашларидаги мустақилликда намоён бўлади. Фарзандларимизнинг ўйлай бошлаганликлари, муайян муаммонинг ечимини бировнинг оғзига қараб турмай ўзларича ҳал этишга интилаётганликлари улкан бир саодат деб биламан. Мен доимо кўпчиликнинг бир хилда фикрлашга мойиллигидан чўчиб юраман. Ҳамманинг бир хилда фикрлаши, аслини олганда, фикрсизликнинг энг тўлиқ намоён бўлишидир. Шу маънода, болаларимизнинг фикрлай бошлаганлиги, фикрлаганда ҳам мулоҳазаларини эркин, ҳеч нарсадан чўчимай баён қилаётганлиги каминани қувонтирганлиги тушунарли бўлса керак, албатта.

— «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанига бағишланган ҳаётий нуқтаи назарини намоён қиладиган, уларнинг шахслик позицияларини белгилашда ёрдам берадиган кўрсатувларни бошқа ўқув фанлари бўйича ҳам йўлга қўйиш керак. Ўқувчиларнинг фикрга чанқоқлигига, жасурлигига эътибор қилдингизми? Махсус ҳозирлик кўрган мутахассислар ҳам телебаҳсларда бу қадар қизғинликка эриша олмаганликларини тан оласизми?

— Томошабинда, бу ўғил-қизларни энг зўр ўқитувчи тайёрлаган, бунда ўқувчининг мустақил фикрлашига тўсиқ юзага келади-ку, деган тушунча пайдо бўлиши мумкин. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Фикрлаш фақатгина мантиқий операция бўлиб қолмай, аввало, руҳий жараёндир. Яъни ҳар қандай одам одатланишига қараб ҳар қандай шароитда ҳам ўз фикрини баён қила олади ёки баён қила олмайди. Учинчи бир йўл йўқ. Мабодо, Сизнинг хавотирингизга қўшилиб, телекўрсатувда қатнашган болаларнинг ҳаммаси бир зўр ўқитувчи томонидан атай тайёрланган ва бизнинг

(Давоми 2-бетда)

КЎЗГУДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ 2-бет

ФАЛСАФАНИ ЎРГАНИШНИНГ МУҚОБИЛ ҚЎЛЛАНМАСИ 3-бет

«ВИЖДОН КЎЗИ БИЛАН» 4-бет

МММ

XABARLARI

G'ALABANI ILM KELTIRAR

Andijon tumanidagi 10-fizika-matematika litsey-internati «Siz qonunni bilasizmi?» Respublika ko'rik-tanlovi arafasida «Adolat» guruhini tuzishgandi. Ular dastlab mintaqa g'olibligini qo'lga kiritishdi. So'ngra tuman g'olibi, tumanlararo musobaqa g'olibi bo'lishdi. Hozirda viloyat g'olibligini mo'ljallab turishibdi. Bunda albatta o'quvchilarning huquqiy bilimlarni har taraflama chuqur o'rganishganligi qo'l kelmoqda.

Yo'ldoshboy HAMROQULOV

MUCHALINGIZ MUBORAK

Shayxontohur tumanidagi 41-maktabning 6-sinf o'guvchilarining muchal to'yi katta bayramga aylanib ketdi. Unga «Gulobod» mahalla faollari, ota-onalar va boshqa ko'plab mehmonlar tashrif buyurishdi. So'zga chiqqanlar muchal to'yi, ya'ni Yo'lbars yilini nishonlayotgan o'quvchilarni tabriklashdi va bu yilning xosiyati to'g'risida gapirishdi.

Bu bayramda milliy an'analarimizning yana bir ajib qirrasining qanchalik mazmunga ega ekanligini his qildim.

Behzod RUSTAMOV

HAMKORLIKDA GAP KO'P

Chortoq tumanidagi 47 va 38-maktablar o'rtasida hamkorlik o'rnatilganligiga hali ko'p vaqt bo'lgani yo'q. Shunga qaramay o'quv-tarbiya ishlaridagi dastlabki ijobiy natijalar ko'zga tashlanayapdi.

Buni yaqinda ikkala maktad 7-sinf o'quvchilarining nemis tili fani bo'yicha o'tkazishgan kechada ham ilg'ash mumkin bo'ldi.

O'quvchilarning g'oliblik uchun qizg'in tayyorgarlik ko'rishgani, o'zaro raqobat ularning bilimlarini mustahkamlashga xizmat qilayotganligi ko'rinib turdi.

Po'lat HAMDAM

MMM

XABARLARI

DTM tahlili

Бугунги кунда Ўзбекистонимизнинг келажагини яратадиган, буюк ишларни давом эттира оладиган ёшларни тарбиялаш, уларга замонавий билимлар бериш долзарб вазифа ҳисобланади. Бундай улкан вазифаларни бажариш, шунингдек, 1997 йилда қабул қилинган «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонни ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифадир.

Бу вазифаларни бажаришни нимадан бошламоқ керак?

Асосий эътиборни қайси омилларга қаратиш лозим?

Бу каби саволларга жавобни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тест натижаларининг таҳлилий манбаларини илмий асосда ўрганишдан топиш мумкин.

Давлат тест маркази томонидан абитуриентларнинг тест синовлари натижаларини статистик таҳлил қилиниши натижасида таълим мажмуаси ҳолатининг асосий таснифи ва сифат кўрсаткичлари аниқланди. Бундан ташқари вилоятлар, туманлар ва мактаблар бўйича таълимнинг ривожланиш даражалари ва тамойиллари белгиланади.

КЎЗГУДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Газетамизнинг бугунги саҳифасида Самарқанд вилоятининг туман ва шаҳарларидан 1997 йилда тест синовларида қатнашган барча абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг натижалари жадваллар кўринишида берилди.

Фанлар бўйича таҳлилий жадвалларга эътибор берилса, вилоятнинг Тойлоқ тумани, Самарқанд шаҳри, Иштихон тумани она тили ва адабиётидан; математика фанидан Самарқанд шаҳри, Қўшработ ва Ургут туманлари, физика фанидан Қўшработ, Гўзалкент, Тойлоқ туманлари; биология фанидан Каттақўрғон ва Оқтош шаҳарлари, Нарпай тумани; кимё фанидан Каттақўрғон, Самарқанд шаҳарлари, Тойлоқ тумани; тарих фанидан Жомбой, Тойлоқ туманлари ва Самарқанд шаҳри; география фанидан Самарқанд, Нарпай ва Каттақўрғон туманлари; инглиз тилидан Самарқанд, Оқтош шаҳарлари ва Самарқанд туманлари; немис тилидан Самарқанд шаҳри, Тойлоқ ва Жомбой туманлари; француз тилидан Гўзалкент, Нуробод туманлари ва Каттақўрғон шаҳридан тестларда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги бошқаларга қараганда бирмунча юқори эканлигини, шунингдек, Оқтош шаҳридан ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика фанларидан; Қўшработ туманидан ўзбек тили ва адабиёти, биология, кимё, немис тили фанларидан; Гўзалкент туманидан математика, тарих, инглиз, немис, француз тилларидан; Пахтачи туманидан ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика; Челак туманидан ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика; Нарпай туманидан ўзбек тили ва адабиёти, тарих, инглиз ва немис тили фанларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлар жуда ҳам паст эканлигини кўриш мумкин.

Давлат тест маркази «1997 йил якунларининг дидактик аспектлари» номли китобида фанлардан ўтказилган тест натижаларининг дидактик аспектлари баён этилиб, таълим самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган, фанлар ва уларнинг бўлимлари бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси, малака ошириш институти, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан дидактик таҳлил материалларини ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	1009	46.0	425	48.9	63	39.4	521	44.4
2	Каттақўрғон тумани	1463	48.2	530	47.2	86	49.6	847	48.7
3	Нарпай тумани	1092	47.3	450	44.3	49	47.0	593	49.6
4	Ургут тумани	1367	47.0	728	47.1	119	47.8	520	46.6
5	Булунғур тумани	1024	48.5	553	49.2	62	41.5	409	48.6
6	Жомбой тумани	997	48.0	471	48.2	93	44.2	433	48.7
7	Иштихон тумани	1466	48.9	509	47.9	89	45.7	868	49.9
8	Нуробод тумани	609	48.0	243	48.4	45	41.0	321	48.7
9	Паст-Даргом тумани	1424	47.8	635	45.8	95	42.7	694	50.3
10	Челак тумани	891	46.2	398	45.4	62	39.4	431	48.0
11	Оқдарё тумани	1091	46.7	333	48.3	69	44.2	689	46.3
12	Пахтачи тумани	1562	46.0	675	43.2	61	45.4	826	48.3
13	Гўзалкент тумани	412	45.3	178	45.1	26	41.7	208	46.0
14	Пойариқ тумани	997	46.2	411	46.9	68	40.0	518	46.6
15	Тойлоқ тумани	1089	51.2	502	51.3	56	47.9	531	51.5
16	Қўшработ тумани	904	46.7	418	44.8	79	46.5	407	48.6
17	Самарқанд шаҳри	1733	49.1	950	52.1	211	41.3	572	47.1
18	Каттақўрғон шаҳри	322	47.9	115	49.3	27	43.2	180	47.7
19	Оқтош шаҳри	162	44.6	54	40.6	7	48.4	101	46.5
	Жами	19614	47.6	8578	47.5	1367	43.9	9669	48.2

Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	380	52.3	119	56.7	14	34.7	247	51.2
2	Каттақўрғон тумани	479	57.4	164	59.3	21	58.9	294	56.2
3	Нарпай тумани	455	58.8	147	59.0	13	51.3	295	59.1
4	Ургут тумани	421	51.7	196	56.1	30	49.3	195	47.7
5	Булунғур тумани	346	55.5	161	57.1	13	43.8	172	54.9
6	Жомбой тумани	341	54.0	131	57.2	21	39.0	189	53.4
7	Иштихон тумани	594	55.8	152	57.7	29	37.8	413	56.3
8	Нуробод тумани	208	54.1	62	54.3	19	55.7	127	53.7
9	Паст-Даргом тумани	621	54.8	228	53.4	25	51.2	368	55.9
10	Челак тумани	368	54.8	124	55.2	10	47.8	234	54.9
11	Оқдарё тумани	370	57.2	112	58.8	14	51.4	244	56.8
12	Пахтачи тумани	612	58.7	210	57.6	15	45.9	387	59.8
13	Гўзалкент тумани	178	51.7	62	54.7	11	42.9	105	50.9
14	Пойариқ тумани	400	53.6	129	53.9	21	44.6	250	54.3
15	Тойлоқ тумани	445	58.3	151	61.2	14	55.4	280	56.9
16	Қўшработ тумани	258	52.1	91	53.6	12	43.5	155	52.0
17	Самарқанд шаҳри	440	55.9	176	62.8	51	45.8	213	52.7
18	Каттақўрғон шаҳри	97	60.3	22	68.2	5	57.8	70	58.1
19	Оқтош шаҳри	49	59.1	13	55.3	2	52.8	34	60.9
	Жами	7062	55.6	2450	57.3	340	47.1	4272	55.3

Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	34	29.7	30	30.8	4	21.5		
2	Каттақўрғон тумани	86	29.5	71	29.8	15	28.3		
3	Нарпай тумани	87	29.0	79	29.0	8	28.8		
4	Ургут тумани	85	29.8	69	29.0	16	33.2		
5	Булунғур тумани	71	30.4	55	31.4	16	26.9		
6	Жомбой тумани	58	32.0	48	32.2	10	31.1		
7	Иштихон тумани	66	31.7	57	29.2	9	47.8		
8	Нуробод тумани	47	29.6	40	30.8	7	22.2		
9	Паст-Даргом тумани	84	32.9	61	32.3	23	34.5		
10	Челак тумани	85	27.9	66	28.0	19	27.6		
11	Оқдарё тумани	35	29.0	30	29.9	5	23.9		
12	Пахтачи тумани	149	28.3	144	28.2	5	32.2		
13	Гўзалкент тумани	31	34.4	24	33.3	7	38.1		
14	Пойариқ тумани	64	31.9	57	32.5	7	26.6		
15	Тойлоқ тумани	69	34.2	61	34.7	8	30.2		
16	Қўшработ тумани	126	36.7	105	35.4	21	43.4		
17	Самарқанд шаҳри	117	32.4	74	36.3	43	25.6		
18	Каттақўрғон шаҳри	15	29.1	11	25.5	4	38.9		
19	Оқтош шаҳри	17	30.6	15	26.7	2	59.7		
	Жами	1326	31.1	1097	31.1	229	31.4	0	0.0

Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	387	40.2	105	44.3	42	39.2	240	38.7
2	Каттақўрғон тумани	729	37.5	181	41.9	44	44.1	504	35.4
3	Нарпай тумани	457	34.3	170	38.7	27	46.8	260	30.1
4	Ургут тумани	563	43.0	227	38.8	75	52.0	261	44.0
5	Булунғур тумани	417	38.3	173	39.5	36	41.2	208	36.8
6	Жомбой тумани	430	40.5	150	44.6	60	39.6	220	37.8
7	Иштихон тумани	607	38.3	172	40.6	52	52.7	383	35.4
8	Нуробод тумани	257	36.5	91	41.0	21	32.8	145	34.2
9	Паст-Даргом тумани	512	41.2	180	42.5	61	47.1	271	39.0
10	Челак тумани	366	35.4	148	36.0	43	37.9	175	34.2
11	Оқдарё тумани	504	35.4	91	41.1	52	42.4	361	32.9
12	Пахтачи тумани	648	31.9	238	35.6	33	31.6	377	29.6
13	Гўзалкент тумани	162	39.4	61	36.4	13	51.7	88	39.6
14	Пойариқ тумани	397	39.2	149	44.9	40	40.1	208	35.0
15	Тойлоқ тумани	397	41.0	143	42.6	35	44.9	219	39.3
16	Қўшработ тумани	469	44.0	207	45.2	58	51.2	204	40.8
17	Самарқанд шаҳри	794	48.1	335	57.1	151	45.3	308	39.6
18	Каттақўрғон шаҳри	169	40.2	53	48.5	16	52.8	100	33.8
19	Оқтош шаҳри	78	33.7	23	39.1	5	34.4	50	31.1
	Жами	8343	39.3	2897	42.8	864	44.5	4582	36.1

Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	164	47.9	133	50.5	31	36.8		
2	Каттақўрғон тумани	170	39.1	145	38.8	25	40.8		
3	Нарпай тумани	99	37.1	86	35.7	13	46.4		
4	Ургут тумани	245	41.3	201	40.8	44	44.0		
5	Булунғур тумани	147	38.7	130	38.3	17	41.3		
6	Жомбой тумани	170	41.4	140	42.5	30	36.3		
7	Иштихон тумани	151	36.8	123	36.7	28	36.9		
8	Нуробод тумани	35	39.4	28	42.7	7	26.2		
9	Паст-Даргом тумани	133	40.6	113	40.6	20	40.3		
10	Челак тумани	59	40.6	47	42.7	12	32.4		
11	Оқдарё тумани	62	43.0	50	45.9	12	30.6		
12	Пахтачи тумани	85	35.3	79	35.8	6	29.2		
13	Гўзалкент тумани	24	35.2	20	35.6	4	33.3		
14	Пойариқ тумани	112	39.8	92	39.8	20	39.6		
15	Тойлоқ тумани	196	41.1	177	41.2	19	40.4		
16	Қўшработ тумани	116	37.9	87	38.5	29	36.0		
17	Самарқанд шаҳри	553	51.2	471	53.1	82	40.0		
18	Каттақўрғон шаҳри	51	46.5	42	47.2	9	43.5		
19	Оқтош шаҳри	13	50.2	13	50.2				
	Жами	2585	42.7	2177	43.5	408	38.8	0	0.0

Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	250	56.6	216	56.7	6	75.0	28	51.6
2	Каттақўрғон тумани	263	56.0	195	55.1	20	64.2	48	56.3
3	Нарпай тумани	199	51.6	155	49.6	10	59.4	34	58.3
4	Ургут тумани	411	52.1	339	53.3	15	48.9	57	46.4
5	Булунғур тумани	271	56.2	235	57.9	13	51.3	23	42.5
6	Жомбой тумани	231	57.6	196	58.9	13	70.1	22	39.0
7	Иштихон тумани	273	53.3	197	56.4	9	50.9	67	44.4
8	Нуробод тумани	151	55.3	102	57.4	5	67.8	44	48.9
9	Паст-Даргом тумани	310	54.4	253	53.9	9	63.6	48	55.4
10	Челак тумани	170	51.4	139	53.9	12	38.0	19	41.1
11	Оқдарё тумани	219	51.1	138	56.1	3	58.3	78	42.0
12	Пахтачи тумани	322	49.8	257	48.0	18	59.4	47	56.0
13	Гўзалкент тумани	81	48.5	68	49.4	2	43.1	11	43.7
14	Пойариқ тумани	196	50.8	145	53.5	9	36.7	42	44.4
15	Тойлоқ тумани	256	57.3	218	58.7	10	53.3	28	47.6
16	Қўшработ тумани	185	54.7	133	55.3	9	60.2	43	51.9
17	Самарқанд шаҳри	509	57.4	457	58.4	11	64.1	41	44.7
18	Каттақўрғон шаҳри	56	53.5	42	51.2	6	57.4	8	62.5
19	Оқтош шаҳри	35	51.3	18	53.1			17	49.3
	Жами	4388	54.1	3503	55.1	180	56.9	705	48.5

Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	124	45.2	114	46.0	7	40.1	3	26.9
2	Каттақўрғон тумани	177	44.4	157	45.2	20	38.5		
3	Нарпай тумани	161	39.4	144	40.8	14	28.6	3	18.5
4	Ургут тумани	201	41.8	171	43.2	27	35.8	3	17.6
5	Булунғур тумани	175	44.9	156	46.1	15	33.9	4	38.2
6	Жомбой тумани	162	38.9	140	41.1	20	24.9	2	23.6
7	Иштихон тумани	168	40.3	149	42.3	19	24.9		
8	Нуробод тумани	72	39.9	50	42.3	18	37.0	4	23.6
9	Паст-Даргом тумани	240	42.4	211	43.8	23	35.0	6	20.8
10	Челак тумани	133	42.1	114	43.4	15	38.3	4	18.1
11	Оқдарё тумани	131	40.7	111	41.9	15	35.4	5	29.4
12	Пахтачи тумани	233	38.4	198	40.7	21	27.8	14	21.0
13	Гўзалкент тумани	72	39.4	62	41.7	7	26.2	3	23.1
14	Пойариқ тумани	168	35.8	131	38.8	21	28.2	16	21.0
15	Тойлоқ тумани	163	47.4	146	48.2	14	45.2	3	20.4
16	Қўшработ тумани	107	38.2	90	40.9	14	26.0	3	13.0
17	Самарқанд шаҳри	229	45.9	181	49.2	37	37.6	11	19.2
18	Каттақўрғон шаҳри	31	51.3	26	54.5	5	34.4		
19	Оқтош шаҳри	14	34.7	12	34.3	2	37.5		
	Жами	2761	41.8	2363	43.6	314	33.3	84	21.9

Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	25	36.2	25	36.2				
2	Каттақўрғон тумани	49	30.1	44	29.9	5	32.2		
3	Нарпай тумани	41	32.9	38	32.3	3	39.8		
4	Ургут тумани	103	27.0	94	27.0	9	27.8		
5	Булунғур тумани	114	36.0	108	36.2	6	31.5		
6	Жомбой тумани	33	27.1	30	28.0	3	18.5		
7	Иштихон тумани	113	31.5	95	31.5	18	31.3		
8	Нуробод тумани	14	38.5	12	41.2	2	22.2		
9	Паст-Даргом тумани	17	34.0	17	34.0				
10	Челак тумани	9	30.2	7	32.5	2	22.2		
11	Оқдарё тумани	93	32.3	73	32.9	20	29.9		
12	Пахтачи тумани	5	21.7	5	21.7				
13	Гўзалкент тумани	14	45.6	14	45.6				
14	Пойариқ тумани	53	32.7	46	34.6	7	20.2		
15	Тойлоқ тумани	30	28.2	27	29.3	3	18.5		
16	Қўшработ тумани	63	27.2	56	27.0	7	29.4		
17	Самарқанд шаҳри	76	37.1	67	36.4	9	42.6		
18	Каттақўрғон шаҳри	2	38.9	2	38.9				
	Жами	854	32.1	760	32.4	94	29.9	0	0.0

География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	3	63.0	3	63.0				
2	Каттақўрғон тумани	7	51.2	7	51.2				
3	Нарпай тумани	11	54.0	11	54.0				
4	Ургут тумани	26	37.4	26	37.4				
5	Булунғур тумани	20	44.7	20	44.7				
6	Жомбой тумани	7	44.8	7	44.8				
7	Иштихон тумани	11	42.7	11	42.7				
8	Нуробод тумани	10	37.5	10	37.5				
9	Паст-Даргом тумани	11	45.7	11	45.7				
10	Челак тумани	21	37.8	21	37.8				
11	Оқдарё тумани	8	49.3	8	49.3				
12	Гўзалкент тумани	8	45.5	8	45.5				
13	Пойариқ тумани	16	46.4	16	46.4				
14	Тойлоқ тумани	13	43.6	13	43.6				
15	Қўшработ тумани	14	43.8	14	43.8				
16	Самарқанд шаҳри	4	40.3	4	40.3				
	Жами	190	43.7	190	43.7	0	0.0	0	0.0

Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Самарқанд тумани	99	31.1	86	32.0	13	25.2		
2	Каттақўрғон тумани	80	26.0	65	26.6	15	23.3		
3	Нарпай тумани	60	27.6	52	26.4	8	35.8		
4	Ургут тумани	134	27.2	117	27.7	17	23.9		
5	Булунғур тумани	64	32.2	57	32.8	7	27.8		
6	Жомбой тумани	123	33.4	96	34.5	27	29.4		
7	Иштихон тумани	52	28.9	49	29.4	3	20.4		
8	Нуробод тумани	86	32.5	77	33.3	9	25.6		
9	Паст-Даргом тумани	193	32.8	169	34.0	24	24.1		
10	Челак тумани	125	28.7	114	29.2	11	23.0		
11	Оқдарё тумани	64	30.8	47	32.4	17	26.5		
12	Пахтачи тумани	193	25.9	173	26.2	20	23.8		
13	Гўзалкент тумани	33	27.9	33	27.9				
14	Пойариқ тумани	57	29.3	47	30.3	10	25.0		
15	Тойлоқ тумани	66	36.1	59	37.1	7	27.4		
16	Қўшработ тумани	44	27.0	37	27.9	7	21.8		
17	Самарқанд шаҳри	124	36.2	100	38.6	24	26.2		
18	Каттақўрғон шаҳри	32	30.6	26	33.9	6	16.2		
19	Оқтош шаҳри	10	29.4	10	29.4				
	Жами	1639	30.3	1414	31.1	225	25.4	0	0.0

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Туркия Бош вазири Месут Йилмаз ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бир неча иқтисодий ва савдога оид шартномаларни Ўзбекистон пойтахти Тошкентда имзолашган.

Икки давлат ўртасидаги муносабатлар Афғонистон, Тожикистондаги ҳолатлар ҳам муҳокамаларга мавзу бўлган. Музокаралардан сўнг жаноб Каримов Туркиянинг дунёвий давлатчилик анъаналари ва исломий жангарликка қарши тутган мавқеини қўллаб-қувватлаши ва бир маънода Ўзбекистон ундан ўрнак олиши ҳақида гапирган.

* * *

Масковдаги Марказий банк мулозимларининг айтишларича, Россия Халқаро валюта жамғармасидан йил давомида 2 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз олиши кутилмоқда. Бу келишилган 10 миллард долларнинг бир қисми сифатидадир.

Лондон. «ВВС» ўзбек хизмати

* * *

Япония Бош вазири Рутаро Хошимото япон иқтисоди инқирозини аввалги ҳолига келтириш мақсадида шахсий даромад солиғини келаси ойда 30 миллард долларга камайтиражагини айтиб ўтган.

Вашингтон. «Америка овози»

ЯКШАНБАЛИК МАКТАБЛАРИ

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган янгиликлар кўпаймоқда. Таълим-тарбия мазмуни тобора кенгайиб, бойиб бораётир. Жумладан, болаларни нафақат болалар боғчалари ва мактабларда, балки мактабдан ташқари муассасаларда ҳам мактабга тайёрлаш ишлари олиб бориляпти. Мухбиримиз пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги қўшимча таълим комплекси қошида ташкил этилган эрта ривожлантирувчи «Малышок» («Кичкинтой») мактабида бўлиб, унинг раҳбари Вера Николаевна Малицкая билан мактаб фаолияти, мақсади ҳамда кичкинтойларни мактабга тайёрлаш борасида олиб борилаётган тадбирлар хусусида суҳбатлашди.

— Эрта ривожлантирувчи «Малышок» мактабини номидан ҳам кичкинтойларга хос эканини билса бўлади. Мактабимизнинг мақсади болаларни эстетик жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат. Мазкур масканнинг фаолият кўрсатаётганига бу йил ўн йил тўлади. Бу ерда 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар мактабга тайёрланади.

Болалар аввало таълимга тайёрланади, мустақил фикрлаш ўргатилади. Чунки ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. «Малышок»га пойтахтнинг кўпгина туманларидан кичкинтойлар келадилар.

1997-98 ўқув йилида 6 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда айни чоғда 30 нафар бола таълим-тарбия олаётир.

Машғулотлар ҳафтанинг шанба куни соат 9-яримдан 13 гача бўлади. Ҳар бир машғулот 25 минут, танаффус эса 5 минут. Мактабда АБВГДЕЙКА, логика-компьютер, бошланғич техник моделлаштириш, инглиз тили, ўзбек тили, тасвирий санъат, мусиқали ўйин машғулотлари бўлади. Юқори малакали педагоглар машғулотларни кабинет системасида ўтмоқдалар. Улар болаларнинг ёши ва психологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда методик тавсия асосида ўз дастурларини тузадилар. Мазкур дастур методик кенгаш томонидан тасдиқланди.

Лилия Панина АБВГДЕЙКА машғулотини жуда қизиқарли ўтади. Болажонлар ҳарфларни ўйин тариқасида ўрганадилар. Ўтилган ҳарфларга доир топишмоқ, шеър, ашулалар айтиб, ҳарфларни ёзадилар, улар иштирокида сўз ясайдилар. Масалан, «Ф» ҳарфи ўрганилгандан кейин унинг шакли, яъни қўл белга қўйилса «Ф»га ўхшаши кўрсатилади. Сўнгра «шу ҳарф иштирокида қайси сўзларни биласиз? « деган саволлар билан болаларни мустақил фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди.

Бошланғич техник моделлаштириш машғулотида (4 ёшда) қайчи билан қоғоз, картонни тўғри қирқиш, клейни режалаб оқизмай-томизмай ишлатишга алоҳида аҳамият берилаётир. Болалар самолёт, машина, тимсоҳ рас

Munosabat

ИЛМ ҲАМ ИБОДАТ ЭМАСМИ?

Ҳали кўрасиз, ёмғирдан сўнг қўзиқорин чиққандай бизнинг эккан уруғлар ҳам бўй кўрсатади. (Поезддаги ҳамроҳим гапидан. 1993 йил).

Ушанда илк бор талаба сифатида Тошкентга келаётгандик. Шу сабабли бир кечалик нотаниш ҳамроҳимнинг гапларига унчалар эътибор бермагандим. Ахир у пайтлар менда диний оқим (ваҳобийлик) ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ эди-да. Бугун эса ваҳобийлар ҳақида, уларнинг қилмишлари хусусида тез-тез эшитиб турамиз. Бир нарса яққол ойдинлашди. Ваҳобийлик бу илмсизлик, имонсизликнинг кўриниши экан. Сўзимнинг исботи: динда одам ўлдириш энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Ана шу оғир гуноҳнинг билиб-билмайми юкини кўтарган кишини оқлаб бўлмайди. Агар билмай қилган бўлса, у илмсиз. Акс ҳолда эса имонсиздир. Чунки ваҳобийлар оддий ва одатий безорилар эмас. Улар ниқоб остидаги муғомбир ҳокимиятпарастлардир. Яъни бу йўлда отасига ҳам, онасига ҳам, синглисига ҳам шафқатсиз ҳокимиятпарастлардир. (Айнан ушбу сўзлар ваҳобийлик оқимининг бошлиқларидан бирига тегишлидир). Уларнинг «қалқони» аниқроғи илк қурбон бўлувчилар ўспиринлар ва болалардир. Ёш ўспиринлар, ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларни ўз мақсадлари йўлида қурбон қилиш номардлик эмасми? Катта-катта пул, ёлғон ваъдалар бошини айлантирган йигитлар уларнинг созига ўйнаши осонлигини яхши билишган. Бунинг исботи Наманганда бўлиб ўтган ўша ҳунрезликлардир. Эътибор бергансанг, уларнинг бошида йигитлар, ўспирин ёшлар турибди. Мен оддий наманганлик сифатида ҳам бу ишлардан нафратландим. Эсимда, у пайтлар мактаб ўқувчиси эдим. Айнан истиқлол туфайли динимизга эркинлик берилди. Масжид ва мадрасалар кўпайди. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар у ерларда намоз ўқиши мумкин эди. Кимдир ҳаваса, кимдир дилдан масжидга қатнай бошлади. Айниқса, болалар бу даргоҳларда тўлиб кетди. Бу ҳол кўпларни хурсанд қилди. Аммо... Ўша пайтлар масжидга қатнаб, кейинроқ уйида намоз ўқиётган бир йигитчанинг айтганлари мени «аммо» дейишимга мажбур қилди.

— Гоҳида катта-катта имомларнинг бир-бирига зид фикрлари мени ўйлантириб қўярди. Ахир Оллоҳ ягона, Қуръон йўл кўрсатувчи, Ҳадислар саҳиҳ бўлса, нега имомлар тортишишади? Бирларининг гапи нега иккинчиларига тўғри келмайди? Энди билсам, диндаги оқимлар турфа фикрлиликни натижаси экан. Ўшаларнинг бири ваҳобийликдир. Бу тортишувлар гоҳида сиёсий тус олиб кетарди. Отам ҳам бу ҳолни кузатиб бораркан. Бир куни менга «Ўғлим, масжидда нималар ўрганяпсан?» деб сўраб қолдилар. Ўшанда хуфтон намозидан кейин аввал Қуръондан дарс ўтардик. Кейинроқ бу ҳол сиёсийлаша борди. Бизга ваҳобийлик ҳақида гапириб, бундай оқим йўқ дейишди. Бизни ҳар хил гапларга эътибор бермаслигимизни айтишди. Аммо каратэ, бокс билан ҳам шуғулланишимиз ҳақида эшитгандим. Лекин бу нарса нимага керак, деб ўйлаб қолдим. Ва отамдан, диндорга каратэ нега керак деб сўрадим. У киши ўйлаб туриб ҳеч нарса демади-да, фақат бугундан эътиборан намозни уйда ўқишимни таъкидладилар.

Мана, ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, ваҳобийлар ана шундай маккарона йўл тутишган. Бир томондан, болалар унча шубҳа уйғотишмайди. Иккинчи жиҳатдан эса уларда мустақил фикр шаклланиб улгурмаган. Демак, хоҳлаган мусиқага ўйнатишлари мумкин. Учинчидан ва энг асосийси ана шу ёшлар келажакда ғаразли мақсадларини амалга оширувига кишилар бўлиб етишишлари мумкин. Натижада ҳокимият ҳам, уларнинг қўлига ўтиши мумкин. Ахир ҳар бир миллат келажаги ёшлар ҳисобланади. Оддийгина оилада ҳам бола туғилса, наслнинг давомчиси деб ҳурсанд бўламиз-ку. Шундай экан, нега биз болаларимизни беэътибор қўймоқдамиз? Ота-оналар фарзандларини қаерга кетаяпти, нима ишлар билан шуғулланаяпти, деб қизиқишмас экан, бундай ҳолларнинг олди олинмайди. Ўша Наманган воқеаларидан кейин телевидение орқали бу мавзуга кўп мурожаат қилинди. Маълум бўлишича, вилоятда бир неча рўйхатдан ўтмаган масжидлар бор экан. Нега ва кимлар рухсат беришади? Маҳалла қўмиталари нега бу иш билан қизиқишмади? Ажабланарли томони, билим юртлари ва мактабларга қарашли бўлган бир неча бинолар ҳам рўйхатдан ўтмаган масжид вазифасини бажарган. Бу эса ҳеч кимни ташвишлантирмаган. Ахир исломда илм олиш ҳам ибодатнинг бир тури ҳисобланади-ку!

Абдурахмон Ўзбек

Yangi kitoblar

ФАЛСАФАНИ ЎРГАНИШНИНГ МУҚОБИЛ ҚЎЛЛАНМАСИ

Ҳозирги кунда бизнинг олий ўқув юртларимиз ва илмий-тадқиқот институтларимиз олимлари давр талабига жавоб берадиган дарсликлар, ўқув қўлланмаларига кучли эҳтиёж борлигини сезган ҳолда янги дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш борасида иш олиб бормоқдалар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Э. Юсупов ва профессор Ф. Абдураҳмоновларнинг «Фалсафага янгича ёндашиш — давр талаби» номли ўқув қўлланмасининг чоп қилиниши бугунги кун учун катта аҳамиятга эга. Мазкур қўлланмада ҳар бир фалсафани ўрганувчи эгаллаши лозим бўлган билимлар мажмуаси баён қилинган. Фалсафани ўрганиш оқил фикрлаш маданиятини — тушунчаларни эркин тасаввур қилиш, мулоҳазаларни илгари суриш, асослаш ва тадқиқ қилиш, асосий ва иккинчи даражали нарсаларни ажрата билиш, воқеликнинг турли ҳодисалари орасидаги алоқаларни очиш, ва ниҳоят, атроф реалликдаги зиддиятларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, демак, реалликни ўзгариш ва ривожланишда кўриш маҳоратини тарбияловчи мактаб эканлигини кўрсатиш муҳимроқ бўлса керак. Оқил фикрлаш — бу асосли, жиддий, илмий, ихтиёрийликка йўл қўймайдиган, ҳақлигини кўрсатиб бера олувчи кескин, эркин ижодий фикрлашдир.

Бу хусусда фалсафанинг реал ҳаёт билан алоқаси ҳақида шундай ифода мавжуд: ҳар бир даврнинг ўз фалсафаси бор. Бу сўзлар чуқур маънога эга: масалан, ўтган турғунлик даврига ўз догматик фалсафаси мос келар эди.

Умуман олганда мулоқот ва баҳс фалсафанинг мавжудлиги ва ривожланишининг нормал шаклларидир. Мазкур қўлланма муаллифлари ишни шундай таҳлил қилиш шаклларини мақсад қилиб қўйганлар. Қўлланмада таклиф қилинган фалсафа фани бўйича янги ўқув дастурининг лойиҳаси уч қисмдан иборат.

1. Фалсафанинг моҳияти ва аҳамияти.

2 Табиат, жамият, инсон тафаккури ҳақидаги методологик фалсафий умумлашмалар.

3. Ҳозирги даврнинг умумназарий фалсафий муаммолари.

Ушбу қўлланманинг яна бир муҳим жиҳати, фалсафанинг энг муҳим методологик функцияларидан бири воқеликни ўрганувчи ҳар бир конкрет фан, хусусан табиий ва гуманитар фанлар эришган ютуқлардан умумлашма, хулосалар чиқариш мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қилинганлигидадир. Бу эса ҳар бир фан тараққиёти истиқболини кўриш имкониятини беради. Айтиш мумкинки умумлаштириш жараёни ҳар бир фан учун жуда зарур, бусиз фан ривожлана олмайди.

Умумлаштириш жараёни ҳамма фанларда содир бўлади. Ушбу жараён орқали биз фанларнинг асосини ташкил қилган тушунчаларнинг ривожланаётганлиги, янги мазмун касб этаётганлигини биламиз. Умумлаштириш билиш жараёнининг қонуниятидир. Умумлаштирилган билимни ҳосил қилиш—воқеликни янада чуқурроқ акс эттириш, унинг моҳиятига тўлароқ кириб боришдир.

Демак, фалсафий умумлашмалар, методологик хулосалар шунчаки оддий фикрлар йиғиндиси эмас. Ҳар бир фалсафий ғоя ўтмиш мероси ва ҳозирги кун муаммоларини умумлаштиришдан келиб чиққан натижа-хулоса бўлиб, инсониятнинг истиқболини ёритишга хизмат қилади. Инсон дунёқарашини шакллантириш ва камол топтиришга, дунёнинг илмий манзарасини яратиш ва шу асосда тадқиқотчи олимлар амалий фаолиятига мақсад ва йўналиш бағишлайди.

Ушбу фикрлар, фалсафа фанлари республикамизнинг барча олий ўқув юртларида мунтазам ўқитилар экан, замон руҳи, мустақиллик мезонларига тўлиқ жавоб берадиган мукаммал янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дастурлар бўлишини тақозо этади.

У. ҲАЙДАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

ЕТАКЧИ МУРАББИЙ

Жўрабой Абдуллаев қарийб 22 йилдан бери Булоқбоши туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида волейбол бўйича катта мураббий бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг раҳбарлигида бу мактабнинг ёш спортчилари вилоятда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу мактаб жамоаси республикамизда 1996—97 йилларда иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, бу йил Чирчиқ шаҳрида ўтказилган волейбол бўйича саралаш мусобақасида фахрли иккинчи ўринга муяссар бўлди. Жўрабой Абдуллаев доимо ёш спортчилар билан «Соғлом авлод» дастури асосида иш олиб бормоқда. Ҳозирда Жўрабой Абдуллаевнинг шогирдларидан Бахтиёржон Ҳакимов, Баҳодир Сулаймоновлар вилоят терма жамоасида 1990 йилдан бери фаол иштирок этмоқдалар. Жўрабой Абдуллаевнинг илғор иш тажрибаси кенг ўрганилиб, оммалаштирилди. Унга 1996 йилда кўп йиллик самарали меҳнати учун «Узбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди. У халқ таълими фидойисидир.

Шухратбек КЕЛДИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ ВА ҚОБИЛИЯТИНИ АНИҚЛАШ

(Боши 1-бетда)

гиз ёки ўз фаолиятингиздаги қобилиятларнинг қай даражада эканлигини ўрганишингиз мумкин. Бунинг учун қобилият компонентлари бўйича 0-5 баллгача баҳо қўясиз. Тўпланган баллар ҳар компонент доирасида алоҳида ва умумий хулоса чиқариш учун хизмат этади.

Компонентлар бўйича йиққан балларингиз умумий балларнинг ярмидан кам бўлса, шу йўналишда ўз устингизда ишлашингиз лозимлигини кўрсатади.

Умумпедагогик маҳорат ва қобилиятнинг ривожланганлик даражаси ўлчови эса қуйидагича бўлади:

140-165 балл - юқори даражада ривожланган:
115-139 балл — ўртадан юқори;
82-114 балл — ўрта;
66-81 балл — паст;
0- 65 балл — жуда паст.

Т/Р	Қобилият қирралари	Қобилиятларнинг намоёнлиги (изоҳи)	БАЛЛАР 1 2 3 4 5
1.	Дидактик қобилияти	1. Ўқув материалини аниқ, тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа билиш. 2. Болаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғота олиш, уларнинг мустақил фикрлашларини фаоллаштириш. 3. Ўқувчиларни янги тушунчани ўзлаштиришга тайёрлаш, уларнинг ҳар бирининг тайёргарлик даражасини билиш. 4. Таълим-тарбия жараёнида ҳар бир боланинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, индивидуал ёндашиш, мазмунини болаларнинг имконият, эҳтиёж ва тайёргарлик даражалари билан мувафиқлаштира олиш.	
2.	Академик қобилият	1. Ўзи дарс берадиган фанининг илмий-назарий асосларини мукаммал билиш. 2. Мутаҳассислиги бўйича фан янгиликларини доимий равишда ўзлаштириб, ўзининг назарий тайёргарлик даражасини мунтазам равишда ўстириб бориш. 3. Ўз фани бўйича ижодий изланиш, кичик бўлса-да илмий-тадқиқот иши олиб бориш (тажриба-синов, дастур, дарсликлар устида ишлаш).	
3.	Перцептив	1. Ўқувчининг ички ҳис-туйғуларини, руҳий ҳолатларини ҳис қилиш, сезиш: 2. Психологик кузатувчанлик, 3. Болаларга ҳамдард бўлиш.	
4.	Нутқий қобилият	1. Нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғри қурилиши, урғуларнинг тўғри қўйилиши. 2. Нутқнинг манзмундорлиги: 3. Нутқий компонентларнинг мантиқий боғлиқлиги, образлилиги. 4. Нутқ техникаси: - товушнинг тиниқлиги, жарангдорлиги; -дикциянинг аниқлиги. - нутқ темпининг тўғри амалга ошириши. 5. Ўз фикрини аниқ, оддий ва тушунарли қилиб болаларга етказа билиш.	
5.	Ташкилотчилик қобилияти	1. Жамоани уюштира олиш, топшириқ ва вазифаларни бажаришда ўқувчиларни фаоллаштира билиш. 2. Ўз фаолиятини тўғри ташкил эта олиш, (дарсни режалаштириш, вақтни тўғри тақсимлаш ва унумли фойланиш). 3. Ўз фаолиятини назорат қилиб бориш, текшира олиш. 4. Ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, уларда ҳамкорлик, ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини шакллантириш.	
6.	Иззат-ҳурмат қозона олиш қобилияти (авторитар)	1. Ўқувчиларга бевосита ҳиссий-иродавий таъсир кўрсата олиш, уларни ўзига эргаштира билиш. 2. Ўз ҳаракатларида қатъийлик, талабчанлик сабр-тоқатлилик ва объективлик. 3. Педагогик масъулиятни ҳис қила билиш, ўқувчи шахсини ҳурматлаш. 4. Таълим-тарбияга рағбатлантириш, мақтов, танқид ва танбеҳдан меъёрида фойдалана олиш, ҳақиқатпарвар бўлиш.	
7.	Коммуникатив қобилият	1. Муомала маданияти. 2. Педагогик мулоқот восита ва усулларидан тўғри фойдалана олиш, педагогик такт. 3. Болалар билан «тил» топа олиш, ўз суҳбати, сўзлари билан уларни қизиқтириш жалб эта билиш.	
8.	Истиқболни кўра билиш қобилияти (педагогик прогноз)	1. Ўз педагогик ҳаракатлари натижаларини олдиндан тасаввур қилиш, кўра олиш. 2. Ҳар бир боланинг индивидуал ривожланиш траекториясини тўғри белгилаш, ўқувчи шахси ривожини истиқболли проектлаш. 3. Болаларнинг у ёки бу хусусиятлари, шахсий фазилатларининг қай даражада шакллантириш ва уларнинг мақсадга мувофиқлигини олдиндан кўра билиш.	
9.	Диққатни тақсимлай олиш қобилияти.	1. Педагогнинг диққати: — ҳажми: — кучли (барқарорлиги): — кучиши. 2. Кузатувчанлик. 3. Ўқувчилар диққатини оптимал ташкил эта олиш.	

Ушбу методика ўқитувчи фаолиятини ҳар томонлама диагностикалаш комплекси сифатида қўлланилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Йўлдош АСАДОВ,
Бухоро вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ректори

Taqdimot

ИНСТИТУТДА МАТБААЧИЛИК МАРКАЗИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида мазкур институт ҳамда Олмониянинг «Гейделберг — Марказий Осиё» фирмаси билан тузилган шартномага биноан очилган янги полиграфия ўқув-кўргазмаси марказининг семинар-тақдимоти бўлиб ўтди.

Бу ерда бунёд этилган ушбу ўқув маркази 500 минг немис маркасини ташкил этувчи матбаачиликнинг энг сўнгги намуналари — замонавий техника ва технология билан жиҳозланганлиги билан аҳамиятлидир. Марказ ТТЕСИ матбаачилик мутаҳассислиги бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув машғулотларини ўтказишига ҳамда ўқув амалиётларини олиб боришига, шунингдек мазкур институт учун матбаачилик маҳсулотларини чиқаришга ҳизмат қилади.

Ўқув марказидаги Олмониядан келтирилган машина ва ускуналар «Гейделберг» компанияси учун кўргазма ролини ўйнайди. Мамлакатимиздаги мавжуд матбаа корхоналари бу кўргазма орқали ўзларига зарур бўлган машина ва ускуналарни сотиб олиши мумкин. ТТЕСИ «Гейделберг» компаниясининг техник жиҳозларини сотиб олган корхоналар мутахассисларини ўқитади, бунга жалб этилган институт мутахассисларининг меҳнати эса компания томонидан рағбатлантирилиб турилади. Бундан ташқари, «Гейделберг» компанияси ўзларида ихтиро қилинган янги машина ва ускуналар билан ушбу ўқув марказини бойитиб боради.

Семинар-тақдимотнинг тантанали очилишида сўзга чиққан ТТЕСИ ректори, профессор Х. Алимова, «Heidelberg Group» фирмаси бошқарма раиси Х. Медорн, Олмониянинг Ўзбекистондаги элчиси Р. Виндезайл, касаба уюшмалари федерацияси марказий Кенгаши раисининг муовини О.Муҳиддинова, Москва давлат полиграфия университети ректори А. Цыганенко, ҳалқаро полиграфия ўқув юртлари Ассоциацияси президенти, ТТЕСИ фахрий профессори Х. Лиебетрут, «Шарқ» концерни Бош директори, республикада ҳизмат кўрсатган маданият ходими, ТТЕСИ фахрий профессори И. Шоғуломов ва бошқалар бозор иқтисодиёти шароитида бу шартнома ҳар иккала томон учун ўзаро манфаатли эканлиги ҳамда Олмониянинг мазкур компанияси билан ҳамкорликда ТТЕСИ Марказий Осиё минтақасида матбаачилик марказларининг бирига айланишини алоҳида таъкидлашди.

Ушбу тадбир давомида анжуман қатнашчилари эътиборига талабалар «Модалар уйи»нинг ва «Ипак парилари» дастасининг чиқишлари намойиш этилди. Сўнг улар янги ўқув-кўргазма марказидаги машина ва ускуналарнинг иш жараёнини кўздан кечиришди.

Нурлан УСМОНОВ

Маълумки, барча вилоятларда ёшларни олий ўқув юртига тайёрлаш мақсадида тест марказлари ташкил этилганди. Самарқанд вилоятида ҳам бу иш яхши йўлга қўйилган. Вилоятдаги ёшларни тестга тайёрлаш марказига У. Абдутолипов бошчилик қилмоқда. У ҳар бир мактаб битирувчилари билан машғулотлар ўтказмоқда.

Суратда У. Абдутолипов Челак туманидаги 26-ўрта мактабда навбатдаги машғулот пайтида.

Шавкат Акромов олган сурат

Yodnoma

МЕҲРИБОН ОЛИМ

Яхши одамлар ҳақида завқланиб гапиргинг келади, қалбингдаги муҳаббат туйғуларини қоғозга тўкиб, ўзингнинг инсоний бурчингни қисман бўлса ҳам адо этгинг келади. Шундай инсонлардан бири Яҳё Ғуломовдир. Мен бу олимни Тошкент Давлат университетида ўқиб юрган кезларимдан биламан. Ўзларини кўрмасамда орқа-воротдан ажойиб инсон, ўзбеклардан чиққан зўр билимдон тарихчи, биринчи археолог эканликларини эшитиб ғурурланиб юрардим. Талабалик йилларида тарих фанидан маърузалар эшитишимиз Яҳё Ғуломовнинг илмий ижодига мурожаат қилишга, уни қисман бўлсада мутолаа этишга имконият туғдирди. Биз кутубхоналардан унинг илмий ишларини қидириб кетдик. Олимнинг — Ўзбекистоннинг суғориш тарихига оид илмий ишларини, Бухоро тарихига доир тадқиқотларидан бир оз бўлса ҳам танишиб чиқишга сазовор бўлдик. Шу ишларнинг ўзиёқ Яҳё Ғуломовнинг чуқур билимидан, зўр истеъдод соҳиби эканлигидан далолат бераради. Кейинчалик бу забардаст олим билан ёнма-ён туриб ишлашга мушарраф бўлдим. У киши Узбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтида қадимги ва ўрта асрлар тарихи сектори мудири бўлиб, мен эса Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилдик. Ҳар икки институт бир бинода, бир қаватда жойлашган. Хоналаримиз ҳам ёнма-ён эди. Бу ҳол олим билан тез-тез учрашиб, у киши билан мулоқотлар ўтказиб, ҳаётий, илмий чашмаларидан кўп баҳраманд бўлишга имкон берди. Биз ёш олимлар у зотдан кўп сабоқ олганмиз, унинг олдида ҳамиша қарздормиз. Яҳё Ғуломовнинг олижаноблиги, меҳрибонлиги, одамгарчилиги, камтарлиги шунда эдики, у биз билан худди тенгдошдай, қадрдондай гаплашарди. Қайси бир масалада мурожаат қилмайлик, ҳамиша кўнгилдагидек жавоб олардик, йўқ билмайман, қила олмайман деган гапни ҳеч қачон эшитмаганмиз. Севимли академигимизнинг қилган жуда кўп хайрли ишларидан айримларини тилга олиб ўтишни жоиз деб биламан.

Адабиёт институтида аспирантурани битириб, номзодлик диссертациясини тугатган Охунжон Собировга... оппонент топиш муаммо эди. Қонун қоидаси бўйича биринчи расмий оппонент фан доктори бўлиши шарт. Аммо фольклор бўйича фан доктори ўзбекларда биронта ҳам йўқ эди. Нима қилиш керак? Бошимиз хўп қотди. Ўйлаб-ўйлаб Яҳё Ғуломовга мурожаат этишга жазм қилдик. У киши жон-дилари билан розилик бериб, бошимизни қўкка етказдилар. Аммо археологик-тарихчининг халқ оғзаки ижодига, унинг ҳақидаги диссертациясига тиши ўтармикин, деган савол ҳаёлимизни банд этди. Аммо ҳимоя куни шубҳаларимиз бекор эканлигини англадик. Олим О. Собировнинг диссертациясини билимдонлик билан чуқур таҳлил қилиб бердики, адабиётшунос у фольклоршунослар қойил қолдик. Яҳё Ғуломов фольклоршунослик соҳасида ҳам чуқур тадқиқотчи эканлигини исбот қилди. Энг муҳими битта истеъдодли ёш мутахассис катта илм оламига кириб келди.

Яҳё Ғуломов узоқ вақт гуманитар фанлар бўйича докторлик диссертациялар ҳимоясининг ихтисослаштирилган илмий кенгашининг раиси бўлиб хизмат қилганлар. Бу соҳада миллий кадрларни тайёрлаш, уларга илмий даражалар олиб беришда ҳамиша оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келганлар.

Яҳё Ғуломов ҳаётга, жамиятга ўта масъулият билан ёндашарди ва чуқур тушунарди. У мамлакатнинг ривожини, истиқболини фақат баркамол иқтисодиётгина эмас, бутун маънавият, барча маданий мерос ва миллий қадриятларни эъзозлаш билан боғлиқ ҳолда кўрди. Шу сабабдан ҳам бу зот бутун онгли ҳаётини миллий ёдгорликлар, обидалар, удумларни ўрганиш, тадқиқ этишларни кўз қорачиғидай асрашга сарф қилди.

Ҳар бир обидани, ёдгорликни эртаю кеч, ҳаттоки кечалари ой ёруғида ўрганди, улардан завқланди. Халқнинг ақли-заковати, буюк истеъдодидан бунёд этилган бу ақидаларга қойил қолган олимга уларнинг ҳар бири ҳудди фарзанддай қадрли ва севимли бўлиб қолган эди. Шу сабабдан ҳам «фарзандига» — ёдгорликка шикаст етиши, уни нураб, хароб бўлишига асло чидай олмас эди. Яҳё Ғуломовнинг юқорида ташкилотга арзини обидаларни сақлаш, уларни таъмирлашга катта аҳамият бериб, келгуси авлодларга бутун-бутунлигича, тўла етказиш лозим, деб бонг уришнинг сабабини қалб амридан фавворадай отилиб чиққан нидо деб қабул қилинса тўғри бўларди. Ҳа, олимимиз савобли иш қиламан, деб балога қолади. Оғир, таҳликали вақтда, «яшасин, уралар» авж олган бир замонда жиддий танқидий фикрни қабул қилиш амри маҳол эди. Унинг аризасини Узбекистон Олий Совети Президиумида муҳокама қилишиб, муаллифни тоза савалашади. Ёки Яҳё Ғуломов Шўро ҳукуматининг маданий меросини тиклаш, ободонлаштириш ҳақидаги ғамхўрлигини инкор қилаётган, воқеликка туҳмат этаётган эмиш. Бу муҳокамада олимни дадил туриб ҳимоя қилиб, жасорат кўрсатган бирдан-бир шахс Азиз Қаюмов бўлган.

Яҳё Ғуломовнинг юқорида тилга олинган чиқиши — ўша давр учун ўта мардлик эди. Чунки у ҳақиқатан бой маънавий, маданий меросни ҳимоя қиламан, деб оқимга қарши борди. Бу билан ўзининг чин илм фидойиси, миллий меросним оташин ҳимоячиси эканлигини қойил қилиб исбот этди. Келажак — мустақиллик олимнинг ҳақлигини кўрсатди. Олим ҳаёт бўлганларида 90 ёшларини тўй қилган бўлардик.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Sport maydonchasi

«НАВБАҲОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати(олий лига) 5-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Пешқадам — «Навбаҳор» (Наманган) сафарда «Хоразм»га қарши майдонга тушди ва биринчи бор мағлубиятга учради — 1:0. Иккинчи ўринда турган «Пахтакор» Навоийда «Зарафшон»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

АЗАМАТ ТЎПУРАРЛАР ҒОЛИБИ

Олий лига командаларининг тўпурарлари орасида «Пахтакор»чи Азамат Абдураимов пешқадамлик қилмоқда. Беш ўйин натижасига кўра, ҳозирча Азаматнинг ҳисобида 4 тўп бор. Агарда «Пахтакор» кейинги учрашувни ўз майдонида ўтказишини («Пахтакор» — «Нефтчи») ҳисобга олсак, Азамат ҳисобидаги тўплар янада кўпайишига умид ҳосил бўлади.

АРМАН ФУТБОЛИ КЎТАРИЛИШДА

Жаҳонга машҳур футболчи Жоркаеф яқинда Арманистон мамлакатида бўлди. Унинг ушбу сафаридан мақсад — у яқин кунлар ичида Арманистон терма командасига раҳбарлик қилишдир. Мамлакат футбол федерацияси хизматлари учун Жоркаефга кўп нолли миқдорда иш ҳақи тўлашни ўз бўйнига олмоқда.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Польшанинг Валбжих университети спорт марказида бўлиб ўтган кўргазмали чиқишларда юртдошларимиздан Илҳом Шомансуров, Элмурод Нурохунов, Леонид Ли, Лада Гаврилова, Луиза Сагитова, Алевтина Кимлар иккитадан жангда ғолиб бўлишди. Ушбу беллашувларда Польша матбуоти ўзбекистонликлар маҳоратига юксак баҳо берди.

«ТАВРЕЛИ» ЯНГИ ЎЙИН

Бу йил 16—17 июль кунлари Москвада ўтадиган 1-Халқаро ўсмирлар ўйинлари иштирокчиларига янги ўйин тақдим этилади. Бу ерда мазкур мусобақалар дастурига «Таврели» деб номланган қадимий русча шахмат ўйини киритилди.

Шашка бўйича спорт устаси, Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони Озода Аҳмедовани кўпчилик яхши билса керак.

Яқинда Шайхантоҳур туманида оилавий шашкачилар мусобақаси ўтказилиб, унда тумандаги 50 маҳалла вакиллари иштирок этишган эди.

Бу беллашувда Озода опа яна бир бор спортнинг бу турининг устаси эканлигини ҳамда истеъдодли шогирдлар етиштириб чиқараётганлигини намойиш қилди. У қизлари — 83-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Сайёра ва 2-синф ўқувчиси Севаралар билан бирга мусобақа ғолиби бўлишди.

СУРАТДА: О. Аҳмедова қизлари билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

Ijodkor o'qituvchilarning VII anjumani oldidan

БОЛАЛИККА ТАЛПИНИШ

Сен томон ҳаприқиб йўл олганимда
Қарсак чалиб кутиб олар Яккатут.
Эй, она қишлоғим, сенсан ягона,
Сени асло қилиб бўлмайди унут.
Бағрингда кезаман хаёлчан, сархуш,
Ҳар гиёҳ, ҳар битта чўпинг сизлайман.
Гоҳо юк босади, гоҳо эса хуш,
Бағрингдан ненидир излайман.
Хаёлим чопади болалик томон,
Мунғайиб қараркан эски тегирмон,
Қалбимда энтикиб кетар ҳаяжон,
Болага айланиб қоламан шу он.
Чўмилсам майлими шўх сувларингда,
Тош отсам майлими ёнғоқларингга.
Аулаб бақирсам, кетса дилдан кир,
Бошим қўйиб ётсам тупроқларингга.
Бир кунгина қайтар болалигимни,
Онажон, иложи топилса агар.
Йўқ, йўқ, майли унинг ўзини эмас,
Менга поклигию софлигин қайтар.

Наима РАҲМОНОВА,
Уйчи туманидаги 1-ўрта мактаб муаллимаси

СИЗГА...

Самолар фахр этар кўкда ой билан,
Унинг борлиги ҳам менинг-чун фахр,
Отабек қалбини садпора қилган,
Кумушнинг юздаги холи-ку ахир.

Сизнинг юзингизда холингиз йўқдир,
Табиат инъоми кулгичларингиз.
Бокира, хушфеълу ҳам меҳнатсевар,
Қалбимнинг тўрида сизнинг ўрнингиз.

Энг буюк туйғудир инсонга — севги,
Унинг қаршисида барча бирдай — лол.
Мен сизни севдим, ҳам севила олдим,
Буюк туҳфангиз-чун кўрманг ҳеч завол!

Дунёда мен сиз-ла бахтиёрдирман,
Дунёда мен сиз-ла бахти бордирман.

Аҳмад ТОШТОЕВ,
Паркент туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси

«ВИЖДОН КЎЗИ БИЛАН»

Ўзбек ва тожик халқларининг севимли санъаткори — машҳур ёзувчи ва олим, устоз Садриддин Айний ҳаёти ва ижодига доир айнийшунос олим, ёзувчи ва таржимон Мажид Ҳасаний кўплаб китоблар, рисолалар ёзган ва адибнинг 8 томлик танланган асарларини нашр эттирган. М. Ҳасаний ёзувчилардан Радий Фиш, Раҳим Ҳошимнинг С. Айний ҳақидаги «Глазами совести» — «Виждон кўзи билан» номли қиссасини ўзбек тилига таржима қилди. Қуйида сиз ана шу китобнинг 7-бобидан парча ўқийсиз.

ТАҲРИРИЯТ

...Нима ҳам дейиш мумкин. Ёзувчи ва ўқитувчи дунёни тасаввур қилишга ёрдамлашади, демак инсонларнинг ички дунёсини ўзгартиради. Лекин ўқитиб, ўзи ҳам ўқиётган ўқитувчигина шундай қилишга қодир. Муаллимлик Айнийни худди кўрни судрагандай судраб, уни ҳозирги турган жойига олиб чиқди.

1909 йили қанча қийинчиликлар билан очган янги усул мактаби маърифатпарвар деб ишонган амир томонидан ёпилганда, у ҳаётининг ярим йўлида турган эди. Бу билан Айний ва дўстларининг амир маърифатпарвар деган ишончларига қаттиқ зарба берилган эди.

Абдулвоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, Хўжа Рофе ва Мукомил Бурҳоновлар яширинча «Болалар тарбияси» деган жамият тузишга қарор қилишди. Буларга биринчи бўлиб Садриддин Айний қўшилди. 1909 йилнинг рамазонида бу жамиятда ўн саккизта одам бор эди.

Давлат хиёнатчиси деган гап чиқмаслиги учун улар иш тартибларига: «Жамиятнинг сиёсатга ҳеч қандай алоқаси йўқ», — деб ёзиб қўйишди. Маърифатпарварларнинг соддалигини амир ҳукумати тезда ўз ўрнига қўйди. Модомики, болаларни тарбиялаш учун яширинча жамият тузиш керак бўлибдими, бу хусусан Бухоро шароитида, маърифатпарварлик учун қўйилган ҳар қандай қадам кундалик сиёсатнинг ўзгинаси деган сўздир. Жамият савод ўрганмоқчи бўлганларга ёрдам бериш ва шу билан кўпроқ одамларни жалб этишни ўзининг биринчи мақсади қилиб қўйди. Бухорода бирорта ҳам янги усулдаги мадраса йўқ эди. Шунинг учун фақат биргина йўл бор эди. У ҳам бўлса, ёшларни Қозон, Уфа, Боқчасарой, Истамбул ва Туркияга ўқишга юборишга ёрдамлашишдан иборат эди. Бунинг учун маблағ керак эди. Бу маблағни маърифатпарварликка хайрихоҳ бўлган савдогарлардан ва бошқа ҳомийлардан йиғишди.

Ўқишга борувчиларнинг сони йилдан-йилга ортиб борарди. 1912 йилда Истамбулда ўттизта бухоролик билим олди. Жамият улар билан алоқа ўрнатиб турди. Туркия марказида «Бухоро таълими жамияти» тузилди. Жамият тўғрисида ҳеч ким — маблағ берувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам билишмасди. Фақат ўзлари Ҳамдий ва Мунзим каби бу жамиятнинг аъзоси бўлганларгина биларди.

Жамиятнинг иккинчи асосий вазифаси нашриёт сўзини тарқатишдан иборат эди. Унинг аъзолари ўзлари билан доимо китоб ва газеталар олиб юришар, ўзларига маъқул жойларда овоз чиқариб ўқишар, меҳмондорчиликда, бозорларда, темир йўл вокзалларида маълумоти борларга газеталар тарқатишар, ишончли одамларни газетага обуна қилишарди. Лекин Бухорода газета чиқмасди. Россия империясининг мусулмон шаҳарларида Туркия ва Эронда чиқадиган газеталарни тарқатишга тўғри келарди.

Бухорога қайтиб келгандан кейин улар маърифатпарварлар сафини тўлдиришар эди. Чет элларда Бухоро адибларининг китоблари чиқар, кейинчалик бутун хонликка тарқатилар эди.

Сиёсий агентлик деб аталмиш подшо маъмуриятини бухороликларнинг Истамбулда ўқишлари, газета ва китоблар тарқатишлари безовта қиларди. Шунинг учун Мукомил Бурҳонов, кейинчалик Усмон Пулатхўжаев ўзларининг уйларида янги усул мактабини очганларида Сиёсий агентлик Қушбеги билан маслаҳатлашиб, уларга тўсқинлик қилмасликни лозим топди. Шу йиларда, инқилобий партия ва газеталар чиқиб турган бир пайтда Туркияга, ҳатто Қозонга бориб ўқигандан кўра шу ерда ўқиганларини маъқул кўришди. Тезда жамият яна тўртта мактаб очди, маълумоти бор болалар учун иккинчи босқич мактаб, катталар учун кечки курслар ҳам очишди. Амир ҳокимияти бу мактаблар тўғрисида билса ҳам ҳозирча панжа орасидан қараб турарди.

Жамиятнинг учинчи асосий вазифаси ярамас урф-одатларга қарши курашдан иборат эди. Шариат нуқтаи назаридан тўй-ҳашамлар, маросимлар, никоҳлар, базмлар, улоқлардаги исрофгарчиликларни танқид қилишди. Жамият аъзолари ўзларининг қариндошлари қилаётган исрофгарчиликларни камбағалларга ва маданий ишларга сарфлашга чақиришди.

Мана шундай ишлардан биттаси китобфурушларнинг маърифат жамияти бўлиб, шаҳарнинг марказида очилган китоб магазини бўлди. Жамиятнинг бошлиқлари Мунзим, Ҳамдий ва Бухородаги биринчи доктор Мирзо Сирожлар Боку, Қозон ва Истамбулдан китоб ва газеталар ёздириб олишарди. Оммани китоб сотишга жалб қилиш мақсадида «Баракат» номли пайчилар жамияти тузилди. Мунзимнинг ҳаракати билан Қушбегидан Регистон майдонидаги Шиаларнинг Хиёбон маҳалласида жамиятнинг бўлимларини очишга рухсат олинди.

Жамият ташкилотчилари биринчи кундан бошлаб газета чиқаришни ўйлашарди. Амирдан газета чиқариш учун рухсат сўраш ўлим билан баробар эди. Фақат Россиянинг ўзида ҳам 1905 йил инқилобидан сўнг маҳаллий халқ тилида мусулмон газетасини чиқаришга рухсат берган эди.

Лекин бухороликлар тўғридан-тўғри ваколатхонага мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмасдилар. Россия билан катта савдо ишларини олиб борадиган Муҳиддин Мансуров ва доктор Мирзо Сирожиддинлар у ерга йўл топа олишди.

Когонда Леви деган шахснинг босмахонаси бор эди. Унга катта пул ваъда қилишиб, уни Агентликдан газета босиб чиқаришга рухсат олишга кўндиришди. Мансуров ўз одамлари орқали Сиёсий ваколатхонага далил ҳам келтирди, яъни газета рус ҳокимиятининг яхши ниятларини тушуниб олишда бухороликларга ёрдам беради ҳамда рус саноати жаҳон уруши арафасида катта эҳтиёж сезиб турган пахтачиликни ривожлантиришда ҳисса қўшади, деб ишонтирилди. Миллер цензурадан ўтказиш ҳуқуқини олиб, газета чиқаришга рухсат берди.

1912 йил 11 мартда Бухорода биринчи рўзнома чиқди. У тожик тилида нашр этилиб, «Бухорои шариф» деб аталди. Шундан сўнг Когонда ҳам ўзбек тилида «Турон» газетаси чиқа бошлади.

Fanimiz fidoiylari

ИЛМ ВА ЭҲТИРОС САМАРАЛАРИ

Адабиётшунос Шариф Юсуповни кўпчилик Зокиржон Фурқат бошчилик қилган маърифатчилик мактабини урганган, унинг ижодининг тамомила янгича илмий талқинини юзага келтирган олим сифатида билишади. Дарҳақиқат, ҳайрат йўқ жойда ижод бўлмайди. Ҳайратсиз одамга гўзаллик бегона. Шариф ака янги китобида ўзини ҳайратга солган инсонлар — санъат аҳли тўғрисида ҳикоя қилади. Китобда муаллиф кечинмалари, ўйлари, туйғулари ажиб бир оҳангларда ғоят самимият билан ифодаланади.

Шариф ака билан суҳбатлашган одам бир умрга унинг ичак узди латифалари, адибу санъаткорлар ҳаётидан олинган ҳикояларининг шайдоси бўлиб қолади. Ҳа, Шариф ака муътабар инсонлар, санъатимиз дарғалари — Тўйчи Ҳофиз, Обид Жалилов, Шукур Бурҳонов, Аброр Ҳидоятов, Юсуфжон қизиқ, Журахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев, ака-ука Шожалиловлар билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат бўлиш бахтига муяссар бўлган. Шунинг учун ҳам муаллифнинг улар тўғрисидаги хотира-ҳикоялари ўзига хос таровати, ҳаққонийлиги, жазибаси билан ажралиб туради. Шариф ака ҳар бир қаҳрамонига яраша муҳим муъжизани топа олади, бу эса узукка кўз бўлади.

Шариф Юсупов мақолалар»да илмий тафаккур билан бадиий тафаккур ажиб уйғунликка эришган.

Шариф акани, айниқса қушиқчиликдаги нуқсонлар кўпроқ ташвишлантиради. «Санъат ва ҳайрат»дан жой олган «Қаноти юлинган қушиқлар», «Қўшиқ ва қўшиқчилар», «Қўшиқ ижроси ва шеърий савод» мақолаларида санъатга бўлган меҳр сезилиб туради.

Шариф Юсуповнинг энг ноёб хислатларидан бири — табассум — юморга бойлиги. Биз — ҳамкасблар, дўстлар ва шогирдлар олимнинг ана шу фазилатидан кўп баҳраманд бўлганмиз. «Санъат ва ҳайрат» саҳифаларида муаллифнинг бебаҳо кичик муъжизалари — санъаткор ва адиблар ҳаётидан олинган латифаларни ўқиб беҳад қувондик.

Шариф Юсупов «Фурқат йўлларида» китобида: «Одатда, буюк санъаткорлардан қолган ижодий мерос дурдонаворларга тўла катта денгизга ўхшайди. Юрак ютиб, чинакам ихлос билан унинг қаърига шўнғий олган ҳар бир ғаввос ўзидан олдинги ғаввослар нигоҳидан пинҳон қолган жавоҳирларга дуч келиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас» деб ёзади.

Ҳа, бугунги санъатимиз жавоҳирларини йиғаётган ҳассос олимимиз, беназир устозимизни бугунги муборак 70 ёшлари билан чин дилдан қутлаймиз.

Муҳсин ОЛИМОВ,
ТошДУ доценти

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ 1998 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ

Ўрта мактабларнинг 2—11-синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни очиқ савдога чиқарди ва уларга чекланмаган миқдорда

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Буюртмалар жаҳон андозаларига мос. ЮҚОРИ СИФАТ билан тайёрлаб берилади.

Тўловлар исталган турда.

МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!
25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳамёнингизга ҳам фойда!

Мурожаат учун манзил:
700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, «Ўқитувчи» нашриётининг «Савдо-тижорат» бўлими.

Телефонлар: 144-26-89, 144-23-86.

Xullas...

АНАКОНДА БИЛАН ЁНМА-ЁН

Красноярск ўлкасида истиқомат қилувчи Алексей Зябконинг бисотида 36 та илон тури бор. У илонлар билан доимо бирга. Таажжуб, қандай қилиб? Бу совуқ жонзотнинг турқи-тароватини кўрсак, юрагимиз орқага тортади.

Алексейнинг илонлари унчалик катта бўлмаган хонада парвариш қилинади. Аксарияти заҳарли. Лекин инсонларнинг бу жонворга нисбатан кўрсатадиган эътибори ва ғамхўрлиги уларнинг ўз заҳрини сочмасликларига сабаб бўлар экан. Илонлар билан олти йилдан бери дўстлашиб келаётган Алексей шундай хулосага келди.

Улкан Анаконда, кам учрайдиган Аргентина илонлари, кичкина калтасесакка ўхшовчи митти жонворларнинг егуликлари ҳам тансиқ: тирик қўён, сичқон, жўжа.

Қизиғи шундаки, Алексейнинг илонлари у билан тўшакда ҳам бемалол ётаверар экан.

БАДБЎЙ «ДЕЗОДОРАНТ»

Ҳозирги импорт моллардаги ёзувни кўпчилик тушунмайди. Бунинг учун ҳам тил ўрганиш керак экан.

Йўшкар-Олада бир талаба қиз дугонаси яшайдиган ётоқхонага келди ва унинг дезодорантидан фойдаланмоқчи бўлди. Унда немисча нималардир деб ёзилганди. Қиз эса французчадан хабардор бўлгани учун бу ёзувнинг маъносига тушуниб етмади. Шундай бўлса-да, бор барака дея, дезодорант кнопкасини босди, шу заҳоти унинг юзига сассиқ модда урилди. «Мари ҳақиқати»нинг хабар беришича, фақат ланг очилган дераза уни беҳушликдан ўзига келтирган.

Бошқа бир йўшкаролалик аёл эрининг туғилган кунига немисча пиджакни совға қилмоқчи бўлиб, магазинга кирди. Луғат ёрдамида у костюм ёрлиғидаги немисча сўзни ўқиб олди: кийим бир марталик бўлиб, туғилган кунга эмас, балки дафн маросими учун мос экан.

ПУЛ ИШЛАШНИНГ АЙБИ БОРМИ?

Пул инсоннинг бутун эҳтиёжларига хизмат қилади.

Челябинск вилоятида болалар пул ишлаб топишга одатландилар. Улар эшик тақиллатиб сўрашади: «Балки ахлат челагингиз тўлгандир. Полингизни ювиш лозимми? Магазиндан ялбул олиб келиб берамиз». Уй эгалари сўрашади: «Хизмат ҳақингиз қанча?»

Болалар эса қанча берса, шунга рози. Уларнинг «хизмат бюроси» кеча-кундуз ишлайди ва ҳудуди ҳам чекланмаган. Улар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган пул учун ота ёки онасига ялинишмайди.

ana shunaqa gaplar

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси собиқ Маориф вазирлигининг собиқ масъул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат фахрийси Солиҳа Ваҳобовна ВАҲОБОВА вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Норали ОЧИЛОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-011140. Тиражи 59313. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6